

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

## ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ БАНҚДАН ТАШҚАРИ МУОМАЛАСИНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 15-16-сон, 120-модда; 2003 й., 1-2-сон, 12-модда, 20-сон, 187-модда, 20-сон, 196-модда; 2005 й., 40-сон, 307-модда; 2006 й., 27-сон, 250-модда, 46-47-сон, 458-модда; 2011 й., 45-46-сон, 470-модда; 2012 й., 44-сон, 507-модда)

Пул муомаласини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, банқдан ташқари муомалани қисқартириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Пул маблағларининг банқдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари дастури иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. Белгилансинки, 2002 йил 5 августдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул тушумини инкасса қилишда инкасса гурухи таркибига давлат солиқ хизматининг инкасса қилинадиган обьектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслари мажбурий тартибда киритилади.

### Олдинги таҳтирга қаранг.

Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларига Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишган ҳолда улгуржи ва чакана савдода, умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасида савдо ва нақд тушумни топшириш қоидаларига риоя қилинишини режадан ташқари тезкор текширишларни амалга ошириш ҳуқуқи берилсан.

(2-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарори таҳтирида — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 458-модда)

### Олдинги таҳтирга қаранг.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларни белгиланган савдо ва нақд тушумни топшириш қоидалари бузилишининг солиқ органлари томонидан аниқланган ҳоллари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қаттиқ чоралар кўрсинашади.

(2-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 ноябрдаги 294-сонли қарори таҳтирида — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 45-46-сон, 470-модда)

### Олдинги таҳтирга қаранг.

(3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 6 октябрдаги 222-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚҲТ, 2005 й., 40-сон, 307-модда)

4. 2002 йил 1 октябрдан бошлаб мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағларнинг давлат томонидан тартибга солиниши бекор қилинсан.

### Олдинги таҳтирга қаранг.

(4-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сонли қарорига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 44-сон, 507-модда)

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки бир ой муддатда алоҳида йирик микдордаги пул маблағлари муомаласи, шу жумладан нақд пул берилиши бўйича ахборотларни электрон айирбошлиш тизимини ишлаб чиқсан ва жорий этсин.

### Олдинги таҳтирга қаранг.

(6-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарори билан ўз кучини йўқотган — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 458-модда)

**Олдинги таҳрирга қаранг.**

(7-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарори билан ўз кучини йўқотган — Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 458-модда)*

**Олдинги таҳрирга қаранг.**

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан белгиланган савдо қоидаларига сўзсиз риоя этилиши таъминланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар, бунда товарларни нақд пулга улгуржи сотишга йўл қўймасликка, назорат-касса машиналари мавжудлигига, нақд пул маблағлари ўз вақтида инкасса қилинишига алоҳида эътибор берилсин. Айбор шахсларга нисбатан жиноий жазога тортишгача қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланилсин.

(8-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарори таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 458-модда)*

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари Молия вазирлиги билан биргаликда 2003 йил 1 январдан бошлаб Тошкент шаҳрида тажриба тарзида пластик карточкалардан фойдаланиш йўли билан иш ҳақи тўлашга босқичма-босқич ўтишни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда 2002 йил 1 октябргача кредит пластик карточкаларни муомалага чиқариш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

Тижорат банклари чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда товарлар ва хизматларга ҳақ тўлаш сифатида пластик дебет карточкалари қабул қилинишини таъминловчи терминаллар тармоғини кенгайтирсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фирма дўконлари очиши чора-тадбирларини кўрсин, улар аҳоли зич жойлашган туманларда, бозорларда ва оммавий савдо қилинадиган бошқа жойларда жойлаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда банқдан ташқари муомалани чеклаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг муҳимлиги ва мазмунини, солиқ ҳақидаги қонунлар бузилишига йўл қўйилмаслиги ва солиқ тўлашдан бўйин товлаганлик учун жазонинг муқаррарлигини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритсинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

мазкур қарор қоидаларидан келиб чиқсан ҳолда тегишли идоравий норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгаришиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсинлар.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот берилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 5 август,  
280-сон

**Пул маблағларининг банқдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари**

**ДАСТУРИ**

T/р	Тадбир номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
<b>I. Банқдан ташқари муомаланинг манбалари ва йўлларини аниқлаш</b>				
1.	Ишлаб турган корхоналарда ишлаб чиқариш хақиқий ҳажмларининг статистика ва бухгалтерия ҳисботи маълумотларига, хом ашё ва материаллар харид қилиш ҳажмларига мувофиқлигини ўрганиш	Текширишлар, рейдларни ташкил этиш, ҳисботларни аниқлаштириш	2002 йилнинг 15 сентябрига қадар, кейинчалик мунтазам равишда	Давлат солик қўмитаси, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
2.	Савдо шохобчаларини улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганлиги, назорат-касса машиналари билан жиҳозланганлиги ва уларнинг созлиги, инкасса билан қамраб олинганлиги ва савдо тушумини тўлиқ топшириш юзасидан қисқа муддатли текшириш	Текшириш материаллари, ҳисботларни аниқлаштириш	Мунтазам равишда	Давлат солик қўмитаси, Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти, Марказий банк, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
3.	Ишлаб чиқариш, курилиш, савдо ва хизматлар соҳасида юридик шахслар билан хусусий тадбиркорлар ўртасида тузилаётган шартномалар мазмуни ва уларнинг бажарилишини ўрганиб чиқиш, бунда нархларнинг сунъий равишида оширилиши ёки пасайтирилиши ҳолларига, шунингдек солик солищдан қочиши мақсадида товарлар ҳаракати ва улар учун ҳисоб-китоб қилишда кўлланилаётган схемаларга алоҳида эътиборни қаратиш	Тахлилий материаллар	2002 йилнинг 20 августига қадар, кейинчалик мунтазам равишда	Адлия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти
4.	Иқтисодиётнинг турли тармоқларида тушумни ва даромад миқдорини яшириш, солик солищдан қочиши мақсадида юридик шахсларнинг якка тартибдаги тадбиркорларга айлантирилиши ҳолларини ўрганиш	Аниқ таклифлар билан биргалиқда тахлилий маълумотнома	2002 йилнинг 15 августига қадар	Давлат солик қўмитаси, Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти
<b>II. Накд пул маблағларининг банқдан ташқари муомалага чиқиб кетишининг олдини олиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўловлар ва ҳисоб-китоблар бўйича мажбуриятлар бажарилиши механизмларини ишлаб чиқини</b>				
5.	Товар айланмасининг реал ҳажмларини аниқлаган ҳолда мунтазам равишида назорат текширишлари ўтказиш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан накд тушум тўлиқ кирим килинишини мониторингини олиб бориш	Назорат текширишлари далолатномалари	Доимий равишида	Давлат солик қўмитаси, тижорат банклари, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
6.	Аниқланган қоида бузишлар бўйича қаттиқ чора-тадбирлар кўрган ҳолда чакана савдо, умумий овқатланиш ва пулли хизматлар соҳасида савдо қоидаларига ва накд тушумни тўлиқ топширишга риоя этилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш	Текширишлар, шу жумладан накд тушумни инкасса қилиш чоғидаги текширишлар	Доимий равишида	Давлат солик қўмитаси, Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
7.	Эски моделдаги назорат-касса машиналарини фискалъ хотирали назорат-касса машиналари билан босқичма-босқич алмаштириш	Комплекс чора-тадбирлар	2003 йилнинг 1 июлига қадар	Давлат солик қўмитаси, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
8.	Алоҳида йирик миқдорлардаги пул маблағлари муомаласи, шу жумладан накд пул берилиши	Ахборотларни айирбошлашнинг	2002 йилнинг 1	Давлат солик қўмитаси, Марказий банк, тижорат

	бўйича ахборотларни электрон айирбошлиш тизимини ишлаб чиқиши ва жорий этиши	электрон тизими	сентябрига кадар	банклари
9.	Транспорт хизматлари қўрсатиш соҳасидаги фаолиятни тартибига солиш, ушбу соҳада ракобат мухитини ривожлантириш, умумий фойдаланишдаги транспортнинг йўналишли линияларида чипталар сотилиши устидан назоратни кучайтириш	Комплекс чора-тадбирлар	2002 йилнинг 1 октябрига кадар	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари, Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги
10.	Қоида бузувчиларга нисбатан молиявий жазолар кўллаган ҳолда ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи етказиб берувчилар томонидан халқ истеъмол товарлари улгуржи сотилиши тартибига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш	Текширишлар материаллари	Мунтазам равища	Давлат солик қўмитаси, Соликка оид жиноятларга карши курашиш департаменти
11.	Оммавий ахборот воситалари орқали банкдан ташқари муомалани чеклаш, солик ҳақидаги қонунлар бузилишига йўл кўйилмаслиги ва солик тўлашдан бўйин товлаганлик учун жазонинг мукаррарлиги юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мухимлиги ва мазмунини тушунтиришга доир кенг ишлар олиб бориши	Чиқишилар, маколалар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар	Мунтазам равища	Соликка оид жиноятларга карши курашиш департаменти, Давлат солик қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги
12.	Солик ҳақидаги қонунлар бузилганлиги учун амалдаги молиявий жазоларни қайта кўриб чиқиши ва янги молиявий жазолар жорий этиши, бунда куйидагилар учун жавобгарликни кучайтириш:  жисмоний шахслар томонидан даромадларнинг яширилиши ва пасайтирилиши;  соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг солик солинадиган базаси пасайтирилиши;  банкдаги ҳисоб рақамларига нақд пул маблағлари киритилмаслиги;  чакана савдо ва хизматлар қўрсатиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан назорат-касса машиналари кўлланилмаслиги	Қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш лойиҳаси	2002 йилнинг 1 октябрига кадар	Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Адлия вазирлиги
<b>III. НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА БАНК ТИЗИМИГА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ</b>				
13.	Аҳолининг пул маблағлари банкларга жалб этилишини рағбатлантириш, энг аввало омонатларнинг жалб этувчанлигини ошириш, янги воситаларни жорий этиш, аҳоли омонатлари ўсганлиги учун банкларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини қўллаш йўли билан ўртacha муддатли ва узоқ муддатли депозитларга жалб этишини рағбатлантириш	Тадбирлар	Доимий равища	Марказий банк, тижорат банклари
14.	Аҳолининг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармасини шакллантириш асосида аҳолининг банклардаги омонатларини кафолатлаш тизимини жорий этиш	Комплекс чора-тадбирлар	2003 йилнинг 1 январига кадар	Марказий банк, тижорат банклари
15.	Банк омонатларининг мавжуд турлари жалб этувчанлиги тўғрисида кенг кўламли рекламани амалга ошириш	Чиқишилар, маколалар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар	Доимий равища	«Ўзтелерадио» компанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, тижорат банклари
16.	Банк сирини таъминлаш институтини такомиллаштириш, тижорат банклари томонидан мижозларнинг операциялари ва ҳисоб рақамлари бўйича ахборот тақдим этилишига доир қатъий чегараларни белгилаш	«Банк сири тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси	2003 йилнинг 1 январига кадар	Марказий банк
17.	Тижорат банкларининг кредит пластик карточкаларини муомалага чиқарышни ташкил	Тадбирлар	2002 йилнинг 1	Марказий банк, тижорат банклари

	этиш		октябрига кадар	
18.	Тошкент шаҳрида пластик карточкалардан фойдаланиш йўли билан иш хақи, стипендиялар ва пенсиялар тўлаш юзасидан тажриба ўтказиш	Тадбирлар	2003 йилнинг 1 январидан бошлаб	Молия вазирлиги, Марказий банк, тижорат банклари
<b>IV. Улгуржи ва фирма савдоси тизимини ривожлантириш</b>				
19.	Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи Республика корхоналарининг фирма чакана дўконлари шоҳобчасини кенгайтириш, уларни ахоли зич жойлашган туманларда, бозорларда ва оммавий савдо қилинадиган бошқа жойларда жойлаштириш	Комплекс чора-тадбирлар	2003 йилнинг 1 январига кадар	Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
20.	Бозорларда, туарар жой мавзеларида ва ахоли учун кулагай бўлган маҳсус ажратилган бошқа жойларда кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркасини ўтказиш йўли билан нақд пул маблағларининг энг кўп қайтишини таъминлаш, савдо тушуми белгиланган тартибда инкасса қилинишини ташкил этган ҳолда паҳта йиғим-терими даврида кўчма савдони ташкил этиш	Тадбирлар	2002 йилнинг III-IV чораклари мобайнида	«Ўзбекбирашув», «Ўзбексавдо» компаниялари, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
21.	Қонун хужжатларига мувофиқ нархлари декларацияланадиган маҳсулотлар рўйхатини макбул равишда қисқартириш. Монополист корхоналар томонидан реал талаб ва таклифни хисобга олган ҳолда нархларни декларациялаш механизмини такомиллаштириш	Норматив хужжатларга ўзгартиришлар киритиш лойиҳаси	2002 йилнинг 1 октябрига кадар	Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси
<b>V. Пул муомаласини такомиллаштириш ва солиқ солиш механизмини самарарадорлигини ошириш</b>				
22.	Йирик харидларни содир этиш ва белгиланган даражадан ортиқча бошқа харажатлар чоғида жисмоний шахслар томонидан даромадларни декларациялаш ва солиқ тўлаш тизимини ишлаб чиқиш	Хукумат қарори лоиҳаси	2002 йилнинг 1 декабрига кадар	Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси
23.	Нақд тарзда содир этиладиган тўловларнинг энг юқори даражаси миқдорини жорий этган ҳолда тижорат банклари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан биринчи талаб бўйича ўз хисоб рақамларидан нақд пул олинишига чеклашларни бекор қилиш	Хукумат қарори лоиҳаси	2003 йилнинг 1 январига кадар	Марказий банк